1999 йил 5 декабрь
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

Муҳтарам ота-оналар! Қадрли оға-инилар ва опа-сингиллар!

Сайловларда фаол иштирок этиб, ўз фуқаролик бурчингизни бажаринг! Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг чинакам халқпарвар номзодлари учун овоз беринг!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1999 йил 4 декабрь, шанба • № 144 (25.539). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида Миср Араб Республикаси «ал-Азҳар» мажмуасининг шайхи Муҳаммад Саййид Тантовийни қабул қилди.

Ўзбекистоннинг Миср билан муносабатлари, айниқса, илмий, маданий соҳалардаги ҳамкорлиги тобора ривожланиб бораётир. Бир неча йилдан буён Ўзбекистон телевидениеси орқали кино усталари ишлаган «Муҳаммадун Расулуллоҳ» фильми намойиш этилмоқда. Ўзбекистонлик ёшлар ушбу мамлакатнинг нуфузли илм даргоҳларида таҳсил оляпти, маданият ва санъат, илм-фан намояндалари, бошқа соҳа ходимлари, сайёҳлар мунтазам равишда ўзаро борди-келди қилиб турибди. Бундай ҳамкорликлар боис халқларимиз ўртасида қадим даврларда қарор топган ришталар ҳозирги кунда янада бойиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Учрашувда Ўзбекистон — Миср муносабатларини янада ривожлантиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

***

Шу куни Президент Ислом Каримов АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Энтони Зиннини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳар томонлама, жумладан, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик ҳам ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Айни пайтда ҳарбий соҳадаги икки томонлама алоқаларнинг 1999 йилги натижалари сарҳисоб қилинмоқда. 2000 йил учун эса ҳамкорлик тўғрисидаги янги ҳужжат ишлаб чиқилган. Ислом Каримов имзоланажак бу ҳужжат ҳақида тўхталиб, унинг пишиқ ва пухта тайёрланганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги билан АҚШ Қуролли кучларининг Марказий қўмондонлиги ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, икки давлат ўртасида халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳарбий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

***

Президентимиз юртимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Эксимбанки бошқаруви раиси Ман Ки Янгни ҳам қабул қилди.

Ушбу банк икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишда, корейс компанияларининг Ўзбекистондаги лойиҳаларини амалга оширишда ўзининг молиявий кўмаги билан фаол иштирок этиб келаётир. Куни кеча Тошкентнинг Кўкча даҳасида ишга туширилган улкан тўқимачилик корхонасининг барпо этилишида унинг салмоқли ҳиссаси бор. Эксимбанк ДЭУ, Самсунг каби компанияларнинг Ўзбекистондаги фаолиятини ҳам молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаяпти.

Президент Ислом Каримов ўтган октябрь ойида Сеулга буюрган ташрифи асосида мазкур банк раҳбари билан учрашганида, янги лойиҳалар ҳақида сўз борган эди. Айни пайтда Ман Ки Янг давлатимиз раҳбарининг таклифи билан юртимизга келиб, бу ердаги вазият билан яқиндан танишяпти.

Мулоқот чоғида илгари эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш жараёни хусусида сўз борди. Томонлар янги лойиҳалар тузиш бўйича ҳам ўзаро фикрлашиб олди.

(ЎзА)

Марказий сайлов комиссиясида

Мамлакатимизга бўлажак сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этиш учун кўпгина хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан вакиллар ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида 15 давлат ва 7 халқаро ташкилотдан келган кузатувчилар билан учрашув бўлди. Унда комиссия раиси Н.Комилов меҳмонларга бўлажак сайловларнинг мустақил Ватанимиз ва унинг халқи келажаги учун муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда маънавий аҳамиятга эга бўлган воқеа эканини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис сайловига баб-баравар ҳозирлик кўрилаётгани, мамлакатимиз ҳудудида Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 250 сайлов округи ва 8 мингга яқин сайлов участкаси фаолият кўрсатаётгани қайд этилди.

Бу йилги сайловнинг аввалгиларидан тубдан фарқи шундаки, унга Марказий сайлов комиссияси барвақт тайёргарлик кўрди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бешта сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳларидан Олий Мажлис депутатлигига 1242 номзод рўйхатга олинди. Сайловолди ташвиқотида қатнашаётган депутатликка номзодларга қонунда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳамда уларнинг ўз сайловчилари билан йиғилишлар, сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклдаги учрашувларни ўтказишда тенг ҳуқуқ ва имконият яратилди. Бу эса ўз навбатида сайловнинг адолат тамойилларига қатъий риоя этган ҳолда эркин демократик тарзда уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказилишини таъминлайди.

Айни пайтда сайловларга тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнида бевосита кузатувчилар, жумладан, хорижий давлат ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун ҳам барча шарт-шароит яратилган. Бу ишни ташкил этишда ошкоралик, демократия принципларига қатъий риоя этилмоқда.

Афсуски, учрашувда таъкидланганидек, мамлакатимизда бўлажак сайловларга тайёргарлик жараёнига баҳо беришда айрим халқаро ташкилотлар вакиллари фаолиятида доим ҳам ҳаққонийлик ва холислик етишмаяпти. Ваҳоланки, Олий Мажлисга сайловлар амалдаги сайлов тўғрисидаги қонунлар, хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун талабларига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилаётир.

Учрашувда халқаро кузатувчиларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири

Ислом Каримовнинг қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашуви

2 декабрь куни Нукус шаҳрида Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон меҳнаткашлари, тадбиркорлар ва зиёлилар, чорвадорлар ва хотин-қизлар, талабалар ҳамда сиёсий партиялар вакиллари иштирок этишди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси Абдикерим Мамбеткаримов очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Иброҳим Юсупов сўз олиб, сайловчиларни Президентликка номзод Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди. У Президентликка номзоднинг мамлакат раҳбари сифатидаги серқирра фаолиятига, юрт озодлиги ва ободлиги йўлида амалга ошираётган кенг кўламли ишларига, Ўзбекистондаги миллатлар ва элатлар тотувлиги, тинчлик ва барқарорлик, халқ турмуш даражасини кўтариш, давлатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада юксалтириш йўлидаги улкан хизматларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов сайловчилар олдида сермазмун нутқ сўзлади. Ислом Каримов мамлакатимизда демократик тамойиллар асосида ўтаётган сайловлар халқимизни пароканда ва бир-бирига қарши қилишга эмас, балки, элу юрт манфаатлари йўлида янада жипслашишга хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси кўп миллатли Ўзбекистон оиласида ўзига хос алоҳида ўрин тутиши ва ўзига мос ривожланиш йўлидан бораётганлигини, Орол муаммоларини бартараф этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги равнақи йўлида салмоқли ишлар қилинганлигини айтди, шу билан бирга Қорақалпоғистон иқтисодиётини янада юксалтириш, таълим тизимидаги ислоҳотлар изчиллигига эришиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида янги-янги ишчи ўринлари яратиш, ўрта ва кичик корхоналар тармоғини кенгайтириш билан боғлиқ муҳим вазифаларни илгари сурди.

Сўзининг якунида Ислом Каримов, жумладан шундай деди: «Шу азиз Ватанимизни гуллаб-яшнаши, шу буюк халқимизнинг келажаги, бахт-саодати йўлида сизлар билан биргаликда ҳамиша хизмат қилишга тайёрман».

Шундан кейин бирин-кетин сайловчилар сўз олишди. Қўнғирот туманидаги «Хоразм» овул фуқаролар йиғини оқсоқоли Халмурза Шаниязов, Амударё тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Хонимжон Ражапова, Тахтакўпир туманидаги «Тахтакўпир» ширкатлар уюшмаси раиси Абитай Адилов, Беруний тумани марказий шифохонаси жарроҳлик бўлими мудири Бозорбой Оразалиев, Нукус давлат педагогика институти қорақалпоқ тили ва адабиёти факультетининг I-курс талабаси Мийрхан Қайипназарова, Нукус шаҳридаги 37-лицейнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Людмила Трёхина ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакат тинчлиги ва осойишталигини, юрт озодлиги ва ободлигини, фарзандлар бахту саодатини, Ўзбекистоннинг буюк келажагини Ислом Каримов сиймосида кўришларини, шунинг учун ҳам қорақалпоғистонлик сайловчилар якдиллик ва ҳамжиҳатлик билан унга овоз беришларини изҳор этишди.

Шу куни Ислом Каримов Нукус шаҳар аҳолиси билан ҳам учрашиб, самимий суҳбатлашди.

Б.УСМОНОВ (ЎзА)

Улкан ишлар раҳнамоси

Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани марказидаги маданият саройида вилоят барча туманларида истиқомат қилаётган қозоқ миллатига мансуб аҳоли вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинги бўлиб ўтди. Уни қозоқ миллий маданий маркази раҳбари Умурзоқ Тўлбоев очди.

Унда меҳнат фахрийлари — Сарсенбой Есимов, Бегим Сериков, «Нуроний» жамғармаси Мирзачўл тумани бўлими раиси Амирали Абдиров ва бошқалар сўзга чиқиб, ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги азалий дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини, бунда Ислом Каримовнинг ҳиссаси беқиёс эканлигини таъкидладилар. Йўлбошчимиз мамлакатимизда миллатлараро тотувликни, тинч ва осуда ҳаётни, юртимиз равнақини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган улкан ишларнинг раҳнамосидир.

Митинг қатнашчилари сайловчиларни 2000 йил 9 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

Йўлчи ЖЎРА, ЎзА мухбири

Эртага Ўзбекистонимизнинг барча вилоятларида сайловчилар мамлакатимизнинг истиқболи учун, унинг янада гуллаб-яшнаши учун Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига муносиб номзодлар учун ўз хоҳиш-иродаларини ифода этадилар. Тошкент шаҳридаги 425-сайлов участкасида сайловчиларни кутиб олиш учун барча шарт-шароитлар тахт қилиб қўйилди.

Суратда: сайловчилардан Муҳлиса Еримбетова билан Озода Расулова кимга овоз беришлари тўғрисида фикрлашмоқдалар.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Обуна юксак масъулиятни талаб этади!

ХДП хабари

Мамлакатимизда даврий матбуот нашрларига 2000 йил учун обуна давом этмоқда. Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг партия марказий матбуот нашрларига келаси йил учун обунани уюштириш соҳасидаги вазифалари Марказий Кенгаш Котибиятининг жорий йилнинг 5 октябридаги қарори билан белгиланган эди. Қўйилган вазифалар қандай бажарилмоқда? Уларни муваффақиятли адо этиш учун қандай қўшимча чора-тадбирлар кўриш лозим?

Ушбу масалалар Ўзбекистон ХДП МК Котибияти томонидан яқинда қабул қилинган, **«Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрларига 2000 йил учун обунанинг бориши тўғрисида»**ги, қарорда ўз аксини топди. Унда, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журналига обуна жараёнинг, унинг ноябрь ойи охирги ўн кунлигидаги ҳолатини таҳлил қилиш асосида, унинг бориши қониқарсиз, эканлиги таъкидланди. Хусусан, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Бухоро ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгашларининг бу иш билан мутлақо шуғулланмаётганликлари қайд қилиб ўтилди.

Обуна бўйича тавсия этилган назорат рақамларининг бажарилиши «Ўзбекистон овози»га Қорақалпоғистон республика партия ташкилотида 32 фоиз, Андижон ва Фарғона вилоят партия ташкилотларида 11 фоизга тенг бўлган бир пайтда, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларида бу кўрсаткичнинг бир фоизга ҳам етмаслиги ҳеч кимни қаноатлантирмайди! «Голос Узбекистана» газетаси ва «Мулоқот» журналига обунанинг бориши ҳам шундай.

Аҳволнинг бундан ёмон бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун, МК Котибияти Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларидан ўзининг, жорий йилнинг 5 октябрида қабул қилган Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрларига 2000 йил учун обунани ташкил этишга доир, қарорининг сўзсиз бажарилишини таъминлашни талаб қилди. «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятига обунанинг боришига бағишланган таҳлилий ва танқидий мақолаларни эълон қилиш топширилди.

Ўйлаймизки, ХДПнинг барча ташкилотлари, партия матбуоти учун ўзларининг масъул эканликларини чуқур ҳис этган ҳолда, аҳволни ўнглаш учун тегишли чора-тадбирларни кўрадилар. Зотан, партиямизни матбуотсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Президентлик ва Олий Мажлис сайлови — мустақиллигимизнинг катта синови

Сайловдан сайловгача

Сайлов — демократия демак. Ўтиш давридан маълумки, жаҳондаги қайси мамлакатни олманг, ўзининг демократик сайлов тизимларини жорий қилган ва такомиллаштириб, яхлит олий даражадаги сайлаш-сайланиш мақомини юзага келтирган. Буни биз Америка давлати мисолида кўришимиз мумкин. Мустақилликка эришганига 223 йил бўлган АҚШда Конституция қабул қилиш учун 10 йил, мамлакатни қулликдан озод қилиш учун 89 йил, аёллар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиши учун 144 йил, қонун олдида барча фуқаролар тенглигини таъминлаш учун 188 йил керак бўлган экан.

Шундан хулосе қилиш мумкинки, бизда эришилган натижалар чакки эмас.

Мамлакатимизда сайловлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унга мувофиқ тарзда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунлар асосида ўтказилмоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг сиёсий саҳнасига сайлов жараёнининг асосий қатнашчилари бўлиб сиёсий партиялар чиқдилар.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бундан беш йил олдин сайлов қандай ўтганлигига назар ташлайлик.

Олий Кенгашнинг ўн олтинчи сессияси 1994 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи сайловни 1994 йил 25 декабрда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор эълон қилиниши биланоқ Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан асосий тадбирларнинг аниқ режасини ишлаб чиқди. 250 та округ ва 7192 та участка сайлов комиссияси ўз вақтида тузилиб, уларнинг таркибига муносиб, жамиятда ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган партиясиз фуқаролар киритилди. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни ҳар тарафлама ўрганиб чиқиб, 643 нафар депутатликка номзодни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Барча сайловолди ишлари фуқароларнинг фаоллиги ва манфаатдорлиги асосида ўтказилиб, уларга ўз хоҳиш-иродаларини амалга ошириш учун ҳақиқий имконият берилди. Шуни айтиш кифояки, овоз беришда 10526654 фуқаро иштирок этди. Бу Ўзбекистон сайловчиларининг 93,6 фоизини ташкил этди ва халқнинг юксак сиёсий фаоллигини намойиш этди.

Олий Мажлисга депутатлар уч турда: 1994 йил 25 декабрда, 1995 йил 8 ва 22 январда сайланган эди. Бу, мутахассислар Л. Левитин ва Д. Карлайл таъкидлаганларидек, эркин сайловлар бўлганлигидан шубҳасиз далолат беради. Биринчи турда 205 нафар депутат, кейинги икки турда қолган 45 нафар депутат сайланди.

Орадан беш йил ўтиб, Президентлик ва Олий Мажлисга сайлаш тизими, барча жараёнлар янада такомиллашди. Умумий сайловлар тўғрисидаги қоидаларнинг энг асосийлари республикамиз Конституциясининг 90- моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловга камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Германия Федератив Республикаси Конституциясининг 54-моддасига кўра эса, Федерал Президент бўлиб 40 ёшга тўлган ва Бундестагга сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар қандай немис сайланиши мумкин, деб кўрсатилган.

Мамлакатимизда эркин, демократик сайлов тизимига эга бўлиш фуқаролик жамиятининг бугунги ютуқларидан бири, деб тушунмоқ керак. Сайлов — фуқаронинг ҳуқуқигина бўлиб қолмай, унинг бурчи ва мажбурияти эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини шакллантириш учун ҳозирги даврда бешта партия, ҳокимият вакиллари ва ташаббускор гуруҳлар ўз номзодларини депутатликка қўйишди.

Эндиликда сайловолди компанияси — кимга овоз бериш, кимни ўз депутати қилиб кўрсатиш, унга ишонч билдириш жараёни қизғин кетмоқда. Сайловдаги фаоллик ўзига хос ўша давлат ҳолатидан, ундаги сайловчиларнинг фикр-тафаккуридан келиб чиқади. Мамлакатимизда «Ижтимоий фикр» марказининг ўтказган тадқиқотига кўра, Олий Мажлисга бўладиган сайловларда аҳолининг 94 фоизга яқини иштирок этиши, мамлакат Президенти сайловида эса 97-98 фоиз кишиларнинг сайлов қутилари ёнига келишлари мўлжалланмоқда.

Ҳатто, тараққий қилган давлатларда бундай ҳолатни кузатмадик. Чунончи, АҚШда ўтказилган сўнгги Президент сайловида 34 фоиз америкаликлар овоз беришди. Россиядаги губернаторлик вазифасини эгаллаш учун ўтказилаётган сайловларда эса атиги 25-35 фоиз овоз тўпланади, холос. Аҳолининг қолган қисми демократия ҳақида жуда кўп гапирса ҳам, сайловда фаоллик кўрсатмайди, лоқайдлик билан қарайди. Бунинг асосий сабаби — сайланган губернатор ўз вилояти ҳудудини бўҳрондан олиб чиқиб кета оладими, ўша сайловда қатнашган инсонлар тўкин-сочин, фаровон, тинч-осойишта яшаб кетадиларми, йўқми — ана шу муаммолар ечими ўлда-жўлда, фақат ваъдадан нарига ўтмагандан кейин сайловда иштирок этмайдилар.

Ўзбекистонда бундай ишончсизлик, пассивлик йўқлигини алоҳида таъкидлаш билан бирга, халқимиз азалдан ўзаро тенглигу, юксак маънавиятга, ахлоқий тартиб-қоидаларга тўлиқ ишонгани учун ҳам сайловларда фаол қатнашишларини ўзларининг виждоний бурчи ва масъулияти, деб биладилар.

Карим НОРМАТОВ, профессор

Ўзбекистонда Президентлик сайлови кампанияси

Ўтган ҳафтада Ўзбекистонда сайловолди кампанияси бошланди. Республика Марказий сайлов комиссияси 2000 йил 9 январга мўлжалланган Ўзбекистон Президентлигига бўлажак сайловларда иштирок этадиган икки номзодни рўйхатга олди. Улар Ўзбекистоннинг ҳозирги Президенти Ислом Каримов ва Халқ демократик партияси биринчи котиби, республика Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори Абдулҳафиз Жалоловдир. Ислом Каримов номзоди «Фидокорлар» ва «Адолат» партияларининг съездларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси парламенти ҳамда 12 вилоят ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашларининг сессияларида кўрсатилди. Жаноб Каримов бўлажак Президентлик сайловларида «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан номзод сифатида қатнашишга розилик берди. «Фидокорлар» — республикадаги беш партиянинг энг кенжаси бўлиб, 1998 йил декабрида ташкил этилган, аъзолари 50 минг кишидан ортиқ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП) ўз съездида партиянинг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов номзодини кўрсатди. У ҳам бўлажак Президентлик сайловларида ХДПдан номзод сифатида қатнашишга розилик берди. ХДП 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, республикадаги энг йирик партиядир. Аъзолари 500 минг кишидан ортиқ. ХДП мамлакатнинг марказий газеталаридан бирида ўз фаолият дастурини эълон қилди. ХДП дастурининг асосий тезислари қуйидагилардан иборат: ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларга хос иқтисодий эркинлик даражасига эришиш, ишлаб чиқарувчини маъмурий зўравонликдан тамомила халос қилиш, солиқлар залворини юмшатиш ҳисобига солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва бошқалар.

«Миллий тикланиш» Ўзбекистон Демократик партияси раиси И. Гафуров республика Президенти лавозимига учинчи номзод бўлиши мумкин эди. Аммо у сайловчилар умумий миқдорининг лозим бўлган бир фоиз имзосини тўплай олмаганлиги туфайли рўйхатга олинмади. Шу сабабли «Миллий тикланиш» партиясининг сўнгги съезди делегатлари ҳам Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистондаги кўпгина сиёсий партиялар томонидан Ислом Каримов номзодининг қўллаб-қувватланиши бежиз эмас. Чунки, республиканинг мустақилликка эришиши, туб иқтисодий ислоҳотлар ва жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар унинг номи билан боғлиқ. Бундан ташқари, Ўзбекистон Каримов раҳбарлигида энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигига эришди, автомобиллар ва нефть маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчиси ҳамда экспортчисига айланди. Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш ҳажми бўйича ҳам Марказий Осиёда етакчи ўринга чиқди. Президент Каримовнинг оқилона иқтисодий сиёсати туфайли бутун собиқ Шўролар иттифоқи ҳудудида фақат Ўзбекистондагина ишлаб чиқариш жуда оз миқдорда пасайганлиги кузатилди. 1995 йилдан бошлаб эса республикада иқтисодий ўсиш бошланди. Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида Россиядан кейин иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Мамлакатдаги иқтисодий жараёнлар устидан давлатнинг қатъий назорати ижтимоий портлашларнинг олдини олиш ва аҳолининг муносиб турмуш даражасини сақлаб қолиш имконини берди. Каримов пойтахтда ҳам, вилоятларда ҳам иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга эришди ва бу мамлакатдаги ижтимоий барқарорликнинг асосини ташкил қилмоқда. Ўзбекистонни тез суръатлар билан саноатлаштириш бошланди. Андижон вилояти ва Самарқандда йирик автомобиль заводлари — «ЎзДЭУавто» ва «СамКочавто» ишга тушди, Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи фойдаланишга топширилди, Хоразмда Марказий Осиёда энг йирик шакар заводи қурилди. Ўзбекистонда, шунингдек, олтин қазиб олиш ҳажми кўпайиб, йилига 87 тоннага етди. Навоий шаҳридаги тоғ-металлургия комбинатида уран ишлаб чиқариш икки ҳисса ортди, Тошкент трактор заводида эса замонавий қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқариш бошланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрига кўра, Ислом Каримовнинг бўлажак Президентлик сайловларидаги ғалабаси ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Чунки, у республика аҳолисининг катта обрў ва ишончини қозонган.

Меҳман ГАФАРЛИ
«Независимая газета»,
1 декабрь 1999 й.

Дўстлик ва ҳамкорлик ришталари

Ўзбекистон — Буюк Британия дўстлик жамияти хайрли ишга қўл урди. Жамият аъзолари юртимиз ёшлари, фуқаролари умуман инглиз тилига қизиққан инсонларга, қолаверса, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия, деб аталувчи қадимий юртни кўришга қизиқувчилар ўртасида «Сиз Англияни яхши биласизми?» деган мавзуда савол-жавоб ўйинини ўтказишга қарор қилди.

Бу ўйин икки босқичда ташкил этилади. Дастлабкиси, олий ўқув юртларида, кейингиси олий ўқув юртлариаро уюштирилади. Иккинчи босқич баҳслари ғолиблари 1-4 ўринларни эгаллаган кишилардан иборат бўлади. Бу баҳсни Тошкентда уюштириш кўзда тутилган. Дастлабки босқич қатнашчилари 5 та саволга тўлиқ жавоб беришса, 3 балли тизим бўйича баҳоланадилар. Демак, саволларга тўғри жавоб берган кишилар 15 балл тўплашлари мумкин. Дастлабки босқичда 1-4 ўринни эгаллаганлар иккинчи босқичда иштирок этишади. Энди ўша бешта саволдан ташқари қатнашчи икки дақиқа давомида 5 балли тизим бўйича Англия ҳақида ўз билимларини ҳикоя қилиши тақозо этилади. Бунда қатнашчининг талаффузи, имловий саводи ҳамда нутқининг бийронлиги ҳисобга олинади Шундай қилиб ўйин қатнашчиси жами балларини 20 тага етказиши мумкин бўлади. Зеро, дастлабки тўрт ўрин соҳиблари совриндорлар ҳисобланади. Бордию икки ёки ундан ортиқ қатнашчи бир хил миқдорда балл тўпласа, ҳайъат аъзолари қўшимча саволлар ёрдамида ғолибларни аниқлашлари мумкин.

Ғолибларни ажойиб мукофотлар кутмоқда. Хусусан биринчи босқичда 1-4 ўринни эгаллаганлар ўқув юртлари раҳбарлари томонидан рағбатлантирилади. Иккинчи босқичда ғалаба қозонган кишига биринчи даражали диплом ва тил ўрганиш учун Буюк Британияга сафар йўлланмаси билан тақдирланади. Иккинчи ўрин эгасига рангли телевизор, учинчи ўрин соҳибига видео, тўртинчисига эса аудиомагнитафонлар берилади. Умуман савол-жавоб ўйинининг иштирокчилари қуруқ қолмайди. Мурожаат учун телефон: 68-76-23, 68-92-63. Ўйлаймизки, инглиз тилига қизиқувчилар бундай имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Ҳайдар НОСИРОВ

Халқ хизмати — олий бурч

Сайлов ва сайловчи

Кун қайтган, кузакнинг ёмғирли куни. Шунга қарамай, Китоб туманидаги Навоий номли хўжаликнинг қарийб 500 ўринли клубида тўпланганларга жой етишмай қолди. Дала юмушлари билан банд бўлиб кейинроқ келган туман ҳокими Ўктам Хидировга ҳам клуб эшиги олдида тик турган одамлар билан бирга нотиқларни тинглашга тўғри келди.

Буларнинг бари бежиз эмас эди. Республика Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 235-Шоматон сайлов округидан депутатлик учун 7 нафар номзод беллашмоқда. Дастлаб айтиш мумкинки, одамларга номзодларнинг бир-бирларини самимий ҳурмат қилишлари маъқул тушди. Гап округ раиси Бозор Болтаев мухолифлар эмас, маслакдошлар жамоаси туза олганида. Номзодлар учрашувлар олдидан ўзаро қуръа ташлаб, навбатни аниқлаб олишар экан.

— Биз — округ комиссияси аъзолари ва номзодлар кичик аҳил жамоамиз, — дейди Бозор Болтаев йиғилишни очар экан. —Олдимизда республика Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга ўтадиган сайловлар турибди. Округимиз ҳудудига Китоб туманидан 16 минг, Шаҳрисабз туманидан 22 минг, Яккабоғ туманидан 12 мингдан ошиқ жами 51 минг сайловчи жамланган 32 та сайлов участкаси ташкил этилган.

Гапнинг очиғи, танлаш осон эмас. Номзодларнинг ёши ҳам, ҳаётий тажрибаси ҳам бир-биридан фарқ қилади. Улар тақдим этаётган сайловолди ҳаракат дастурлари ва ишончли вакилларнинг кафолатлари сайловчиларни мулоҳаза қилишга даъват этди. Номзодлар қуруқ ваъдалардан узоқ эканлигини, салоҳиятли янги парламент тарафдорлари эканликлари, аммо қонунлар ва ҳаётдаги муаммолар ечими ўртасида уйғунлик бўлиши кераклигини изҳор қилишди. Аммо улардан одамлар аниқ таклиф ва мулоҳазаларни кутишаётганликларини бир дам эсдан чиқаришмаганликларини ҳам билса бўлади. ХДП номзоди, Халқаро кураш ассоциацияси бош директори, биринчи чақириқ республика Олий Мажлиси депутати Боймурод Юсуповнинг фикрича, «Парламент — миллат ва халқнинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги ойнасидир».

Умуман, номзодлар чиқишлари ва уларга сайловчилар берган саволлар шуни кўрсатдики, жойларда қабул қилинган қонун ва ҳукумат қарорлари тўла амалга ошмаяпти. Қишлоқларда иш ҳақи тўлаш, газ ва сув билан таъминлаш, мактабларни таъмирлаш, ишсизликка барҳам бериш ва бошқа соҳаларда муаммолар тўпланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам номзодлар яқдиллик билан қишлоқ билан боғлиқ қонун ва қарорларни амалга ошириш бўйича аниқ дастур кераклигини таъкидлашди.

Одамлар парламентдаги бўлажак вакили олдига ана шундай вазифаларни қўйишди, қонунлар, дастурлар амалга ошсин, дейишди. Энг муҳими, келажакка, юрт тараққиёти ва халқнинг турмуш даражаси кўтарилишига ишонч билдиришди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Орзиқиб кутилган кун ҳам келмоқда. Эртага тонгдан ҳамма сайлов участкалари сайловчилар билан гавжум бўлиб, байрам кайфияти тус олади. Сайлов участкаларида иш қайнайди.

Кимга овоз беришни ҳар бир фуқаро ўз кўнглига тугиб қўйган. Зеро, улар сайлаган номзодлар XXI аср депутатлари бўлиб қолади.

Суратда: Сурхондарё вилоятидаги 137-Ангор сайлов округи комиссияси раиси (ўртада) Қўшбоғ Тангриев фуқаролар билан сайловлар тўғрисида фикрлашмоқда.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

Ваъда беришдан осони йўқ

Халқ томонидан сайланадиган, халқнинг вакили бўлган депутат аввало ҳалол-пок, маънавий жиҳатдан баркамол, теран билимли, фидойи инсон бўлиши керак.

Депутат ўзининг алоҳида фикрига, дунёқарашига эга бўлиши, халқимиз учун хизмат қиладиган ўткир ғояларини амалиётда исбот эта билиши керак. Чунки, бўлғуси депутат халқининг, юртининг ишонган кишилари ҳисобланади. Сайлов бу масъулиятли жараён, бугунги сайловчи олдинги даврнинг сайловчиси эмас. Бугунги сайловчи ўз қарашларини эркин фикрлаб, ифода этадиган ўз ҳақ-ҳуқуқини биладиган овоз берувчилардир.

Демак, депутат учун осон бўлмайди, лекин шундай бўлса-да сайлашда шошма-шошарликка йўл қўйилмаслик керак. Депутат у қаерга сайланишидан қатъи назар, ҳаётни чуқур идрок этадиган, сайланган жойидаги муаммоларни ҳал этишга ҳисса қўшадиган, ҳаракат қиладиган бўлиши керак. Сайлов бу бизнинг тақдиримизни ҳал этадиган муҳим бир имконият, шу сабабли келинглар азизлар, ким учун овоз бераётганлигимизни яхши билайлик. Эл нафини ўйлайдиган, халқ учун хизмат қила оладиган, ёниб яшайдиган, халқига, Ватанига содиқ инсонларни депутат қилиб сайлайлик.

Насриддин БОТИРОВ,
Тошкент шаҳри.

❖ *Спорт*

Халқаро эътироф

Теннис бўйича «Президент кубоги» учун анъанавий равишда ўтказиб келинаётган халқаро мусобақа нуфузи тобора ортиб бормоқда. Моҳир теннисчилар баҳсининг байрамона тарзда ташкил этилаётгани иштирокчилар учун шарт-шароитлар яратилаётгани спортчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Соврин учун кураш юртимиздагина эмас, халқаро микёсда ҳам теннисни ривожлантиришда аҳамият касб этмоқда. Халқаро теннис уюшмаси директорлари Кенгаши қарори билан «Президент кубоги» ўйинлари 1999 йилнинг «Энг яхши турнири» деб эътироф этилди. Ваҳоланки, мазкур уюшма ҳар йили 75 та ана шундай халқаро турнирларни ташкил этиб келмоқда.

Куни кеча яна бир хушхабар тарқалди. Футболчиларимизнинг Осиё чемпионати саралаш баҳсларида эришган ажойиб ғалабалари ўз самарасини берди. Осиё футбол конфедерацияси бош жамоамиз устози Маҳмуд Раҳимовни ноябрь ойининг «Энг яхши тренери», Максим Шацкихни «Энг яхши футболчи»си деб эътироф этди.

Ногиронлар кўнглини овлаб

Халқаро ногиронлар куни муносабати билан спорт байрами ўтказилди. Республика олимпиа ўринбосарлари тайёрлаш билим юртида уюштирилган бу йиғинда спортнинг саккиз тури бўйича мусобақалар бўлди. Жумладан, аёлларнинг аравачада 200 метрга ўтказилган баҳсида Е. Окмлянская, эркаклар ўртасида В. Корошченколар маррада биринчи бўлишди. Мини-футбол учрашувлари ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. «Байналминал-2» жамоаси биринчи бўлди. Шунингдек, дартс, армрестлинг, шахмат-шашка, мерганлик, кураш ҳамда енгил атлетика бўйича мусобақалар ҳам қизиқарли ташкил этилди. Йиғилишда фахрий ногирон спортчиларга 5 минг сўм ва қимматбаҳо совғалар берилди. 7 нафар йигит-қиз спорт устаси унвонига лойиқ кўрилди.

БМТ: янги минг йиллик бўсағасида

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2000 йилда янги минг йиллик бошланишига бағишлаб қатор тадбирлар ўтказишни мўлжалламоқда. 1998 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган қарорга мувофиқ, 2000 йилнинг 5 сентябрида Нью-Йоркда очиладиган БМТ Бош ассамблеясининг 55-сессияси минг йиллик Ассамблеяси деб номланади.

2000 йилнинг 6 сентябрида жаҳондаги кўплабдавлат ва ҳукумат раҳбарлари БМТ қароргоҳида минг йиллик саммитига тўпланишади. Олий даражадаги раҳбарлар иштирокидаги ушбу учрашув энг йирик тадбирлардан бири ҳисобланади. Башарият тараққиёти муаммолари, келгусидаги истиқболлар, XXI асрда инсоният ҳаётидаги зарур ислоҳотлар ва БМТнинг роли, қабул қилинадиган қарорларни рўёбга чиқаришни долзарб чора-тадбирлари Ассамблея ва саммитда атрофлича муҳокама қилинади. БМТ Бош котиби Кофи Аннанинг маълум қилишича, минг йиллик Ассамблеяси «жаҳондаги раҳбарларга ўз кундалик ташвишларидан тепароққа назар ташлаб, янги минг йилликда қай тарздаги БМТни қўллаб-қувватлашларини кўришга қулай имкон беради».

2000 йилнинг 22-26 май кунларида БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида сайёрамиздаги ноҳукумат ташкилотлари саммит даражасидаги тадбири — минг йиллик Форуми ўтказилади. Унда башариятнинг глобал муаммоларини ечиш устида ишлаётган ва БМТ, унинг дастурлари, бўлинмалари билан ҳамкорлик қилаётган фуқаролик жамиятларининг турли гуруҳдаги вакиллари иштирок этади.

Минг йиллик Ассамблеясига минтақавий кўламда тайёргарлик бутун дунёда ўтказилади. Шу йилнинг июль ойида Женевада Европа минтақавий мунозара-тингловлари ўтказилганди. Шимолий Америка учун шу хилдаги тадбир 2000 йилнинг январида Чикаго шаҳрида бўлиб ўтади. Ушбу мунозаралар, иштирокчилар нуқтаи-назари ва таклифларининг якуни матбуотда ёритилади. Шунингдек, у БМТ Бош котибининг минг йиллик Ассамблеясига тайёрлайдиган маърузаси учун асос бўлиб хизмат қилади.

Технология алмашишдаги қаллобликлар

АҚШнинг Макдонелл Дуглас ҳамда Хитой ҳукуматига тегишли бўлган Хитой миллий аэро-технология импорт-экспорт компаниялари АҚШ экспорт назоратини четлаб ўтиб, замонавий технологик анжомларни олиб чиқиб кетишга уринганликда айбланмоқда. Айбнома Хитой Жаҳон савдо ташкилотига кираётган, АҚШ-Хитой муносабатлари жуда нозиклашган бир шароитда юзага чиқди. АҚШ Божхона хизмати агентлиги Хитой аэро-космик ташкилоти иштирок этган бошқа битимларда ҳам экспорт қоидалари бузилганлиги гумон қилинган ҳоллар устида текширув олиб бормоқда. 1994 йил Макдонелл Дуглас томонидан Хитой ташкилотига юқори технологик анжомларни 5 миллион АҚШ долларига пулланганлиги ҳолати ҳам шунга киради. АҚШ ҳукумати ушбу технологияни фақатгина Хитой-Макдонелл Дуглас қўшма дастурида қўллаш учун лицензия берган эди. Аммо техгология Хитойнинг SILKworm ракеталари ҳамда А-5 қирувчи самолётлари ишлаб чиқарадиган Нанчанг самолётсозлик корпорациясига олиб кетилган. АҚШ конгресси бош статистика бўлими 1996 йилдаги хисоботида бу кўзбўямачилик технологияларни бошқа мақсадларда ишлатиб улгурмасдан олдин фош этилгани кўрсатилган. Агар айбномалар асосли деб топилса ҳар бир корхонага 10 миллион АҚШ доллари миқдорида, баъзи бир дахлдор ходимларга эса 250.000 АҚШ доллари миқдорида жарима солиниб, улар беш йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

Форс кўрфази синдроми оқибатлари

Пентагон 1991 йил Форс кўрфази фахрийлари бошдан кечираётган сирли касалликлар уруш пайтида 250 минг нафар АҚШ аскарларига эҳтимол тутилган нерв газлари ҳужумлари олдини олиш учун берилган фиридостимин бромид дориси бўлиши мумкин, деган масалани ўртага ташлади. Пентагон топшириғига биноан ушбу муаммо устида изланишлар олиб борган Рэнд (Rand) корпорациясининг маълумотларига кўра,ушбу дори Форс кўрфази синдромининг асл сабабчисидир дейишга тўла асос йўқ. Шу кунгача Пентагон Форс кўрфази синдроми татқиқотлари учун 133 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлади. Шунга қарамасдан, Мудофаа вазирлиги вакили Бернард Росткер муаммонинг асл сабабини кўрсатиш қийинлигини айтди.

Акмал ҚЎЧҚОРОВ,
«Туркистон-пресс»нинг АҚШдаги мухбири

«Обуна — 2000»

Ҳар қандай эшикдан ҳам киравермайдилар

Иш куним ҳар доимгидай бошланди. Эрталаб... Соат 9.00 дан нари бери ўтаяпти. Шу стол. Шу ёзув машинкаси... Икки томонлама ойна ўрнатилган, каттакон дераза. Ойналар оралиғига сингиган чанг ёғингарчилик боис қотиб қолган. Буни тозалаш учун иккала ойна махсус асбобларда ечиб олиниши керак. Буни усталар қилиши лозим аслида. Бино пайдо бўлгандан бери ойналар ечилмаган! Ташқари хира кўринади.

Майли... Хуллас, обуна мавсуми бошлангани боис, шу мавзуда мақола ёзишга киришдим. Келаси йилги режалар хусусида ўқувчига ҳисоб беришим керак. Пул тўлаб обуна бўлгандан кейин албатта, газетхон мазмунли, ўқишли, мутлоқ янгича йўлни танлаган, давр ҳодисаларига ўз вақтида муносабат билдирувчи, «ушлаган жойини қўйвормайдиган» газетани мутолаа қилишни хоҳлайди. Очиғи, бугун ўқувчига биз бундай, биз ундай деб қуруқ ваъда айтишнинг ҳожати йўқ. У кимнинг нимага қодирлиги, халқ ичида қайси газета қандай мавқега эга эканлигини яхши билади. Бировга менинг газетамни ўқи, менинг газетамга обуна бўл дейишдан аввал, менинг газетам шунга лойиқми, мен ёзган мақолалар, менинг чиқишларим одамларга ўқинглар дейишимга арзийдими, деб ўйлаб кўрдикмикин? Агар газетамиз яхши чиқмаса, ёзганларимиз ўртамиёна, фикрларимиз тарқоқ, ўлда-жўлда бўлса, жамиятнинг олдинги сафида бўлолмасак, бор ҳақиқатни, аниқ ва тиниқ ифодалай билмасак, хуллас, ўз овозимизга эга бўлолмасак, шижоатсизлик, сусткашлик қилсак, қайси юз билан халққа биз яхши газета чиқараяпмиз, биз сизнинг тилингиздан сўзлаяпмиз дейоламиз...

Йўқ... Худога шукр дейиш керак. Юқоридаги ҳадикли саволлар олдида бошимиз хам эмас. Муҳими, халқнинг газетхоннинг юзига тик қарай биламиз. Ўқувчиларимиз сафи кенг. Зиёлилар, илғор фикрли кишилар хайрихоҳ бизга. Бугун газетларинг яхши ёки бироз бўшашиб кетдинглар деб, фикр билдиришади ҳар куни. Бу бизга илҳом. Бу бизга куч. Мадад. Ҳар бир газетни ўқувчидан айирмасин, ўқувчининг фикридан айирмасин.

Эрталабдан шундай ўйлар кечди, хаёлимдан. Келаси йилги режаларимизни қоғозга тушириб, обуначига ҳавола қиламан деб турган кезимда... эшик тақиллади... Мункиллаган отахон кириб келди. Очиқ чеҳраси, кўзойнаги ортидаги ёшовраб турган илтифотли нигоҳи, зиёли чол, кўп ўқиган, кўп билади, бу чол, деб турарди. Қўлида 2 та «Ўзбекистон овози». Ҳорманг, бор бўлинг қилиб сўрашдик.

— Мен бир нарсани билай деб келувдим. Болам, шу, дунёдаги машҳур сиёсатчилар, Президентлар ҳаёти, иш услуби ҳақида ҳар ойда бир саҳифадан мақола бераётгандинглар. Тўхтаб қолдими ё менинг кўзим тушмадими, билай деб келувдим. Агар мен бехабар қолган бўлсам, ўша газетларни бир варақлаб кўрсам...

— Тўғри, ота... Биз бу мавзуни давом эттирамиз. Уч нафар буюк арбоб, улуғ сиёсатчи, жаҳонга номдор шахс ҳақида ёзиб тайёрлаб қўйдик.

— Манови иккита газетда Вашингтон ва Рузвельт ҳақида ёзиб-сизлар... Демак бошқа..., — чол маъноли қаради.

— Бошқа буюклар ҳақида ҳам ўқийсиз ҳали отахон... Яқин кунда... ёрита бошлаймиз...

Зиёли отахон билан илиқ хушлашдик.

Шу маҳал телефон жиринглади.

— Алло!

— Эшитаман

— «Ўзбекистон овози»ми? Мен Тошкентдаги 17-мактабнинг 8 синф ўқувчиси Шаҳнозаман. Илтимос, газеталарингизда «Сайлов нима? Сайловчи ким? Ташаббускор гуруҳ-чи?» деган мақола чоп этилган экан. Шу керак эди. Ўқитувчимиз ўқиб, ўрганиб келинглар, дедилар. Тушунчамиз бўйича иншо ёзарканмиз...

— Шаҳноза, дарсдан чиқаётиб келсангиз, айтган мақолангиз босилган газетни тайёрлаб қўяман.

— Раҳмат, амаки! Бир нарса сўрасам майлими, домламиз шу газет яхши чиқади дедилар. Обуна бўлиш учун нима қилишим керак...

— Бу осон. Келинг, Айтаман. Дадангиз нима иш қиладилар?..

— Прокурор.

— Яхши, келинг тушунтираман.

Телефонни қўйиб, энди ёзишга киришувдим, хонамга шаҳд билан 18-19 ёшлардаги, бўйдор, жуссали, келишган бир қиз кириб келди.

— Сиёсат бўлимими?..

— Ҳа...

— Сиз кимсиз?

Ўзимни таништирдим.

— Мен ТошДУ журналистика факультетида ўқийман. Иккинчи курсда... Нилуфар Кенжаеваман. Фельетон олиб келдим. Ўқиб кўрасизми? — деди қиз.

— Албатта, албатта...

Ўқидим. Денов туманидаги қайсидир (ҳозирча номини айтмадим) жамоа хўжалигининг раиси ҳақида. Салмоқли, тишли фельетон. Агар ҳужжат ва фактлар тасдиқланса анча шовшув бўлади.

— Кечирасиз... факт ва далиллар..., — дедим бамайлихотир.

Қиз сўмкасидан бир тахлам ҳужжат чиқариб столимга тап этказиб қўйди.

Бу ёғини ҳам тахт қилибди. Демак ишига пишиқ журналист бўлади. Кўриб чиқдим. Эътироз билдиролмадим.

— Ташлаб кетинг. Яна бир кўз югуртирай. Эртага телефон қилинг.

Қиз чиқиб кетаётиб деди:

— Сизларда шундай танқидий мақолалар кўп чиқади. Шунинг учун олиб келдим. Биз томонда, Денов томонда «Ўзбекистон овози»га ишонишади. Кўпчилик ўқийди.

Қизнинг гапи, ишончи менга тоғдай оғир юк бўлди. Бу гапни, ишончни оқлаш керак. Мард бўлиб кўтариш керак...

Яна телефон:

— Эшитаман!

— Яхшимисиз. Кечирасиз. «Ўзбекистон овози»ми?

— Худди шундай

— Ўзбек тилидаги айрим атамалар изоҳини бериб бораётган эдинглар. Жуда маъқул иш бу. Газетангизнинг охирги сонини киоскалардан тополмадим...

— Кечирасиз, ким билан гаплашаяпман?..

— Ўзбекистон телевидениеси «Маърифат» дирекцияси ходими Арслон Эшмуродовман.

— Арслонбек! Газетамизда босилган атамалар изоҳи тўлалигича яқинда китоб бўлиб босмадан чиқди.

...Хуллас, обуна ҳақидаги ёзув устида бир соат ичида яна тўртбешта газетхон билан гоҳ телефонда, гоҳ юзма-юз суҳбатлашдик.

Шу пайт эшик яна очилиб... машҳур ёзувчи Шукур Холмирзаев кириб келди.

— Эссе, оп келдим... Бир кўрарсизлар, — деди у столга чўкиб, ўйчан қиёфада...

